6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. « Сотувчи » мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида « Харидор »га маҳсулотни бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳоси миқдоридаги пул маблагини қайтариб бериш.

6.1.3. ВМ 08.05 2019 йилдаги 386-карорига асосан «Сотувчи» Харидорга гушт махсулотни етказиб беришда ихтисослаштирилган замонавий суйиш корхонасининг Ф-200 шаклдаги малумотномасини тақдим килиш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу хақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% миқдорда пеня тўлайди.

7.2. « Сотувчи » маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун « Харидор »га етказиб берилмаган хар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1 % миқдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, « Сотувчи » 0,4 % миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Маҳсулот учун « Харидор » ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, туловга оширилмаган маблаг миқдоридан хар бир кечиктирилган кун учун 0,4 % пеня тўлайди, лекин шартноманинг умумий кийматини 50 % миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. « Сотувчи » омборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, « Харидор » хар бир ўтказиб юборилган кун учун « Сотувчи » омборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорида жарима тўлайди.

7.7. « Харидор » шартномада курсатилган махсулотни тулик хажмда еки кисман сотиб олишдан бош тортса, сотиб олинмаган махсулот киймати микдорида « Сотувчи »га жарима тулайди.

7.8. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш, қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб, газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан кейингина юриридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Ушбу шартнома Узбекистон Бюджет кодексининг 122- сонли моддасига асосан Газначиликда руйхатга олингандан кейин конуний кучга киради.

11.3. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«СОТУВЧИ»	«ХАРИДОР»
“ MEVAZOR OZIQ-OVKAT TA’MINOT ” МЧЖ	93 сон санаторий интернат
Манзили: Урганч т. Мевазор-28 уй	Тел/факс: Самарқанд 98
Тел/факс: (+998 93) 619-00-22	ш х/р: 10020860334047092300001001
х/р: **20 208 000 905 474 047 001**	ИНН: 201942966
Банк: АТ «Туронбанк» Урганч филиали	ОКЭД: 92310
МФО: 00551	Молия вазирлиги газначилиги
ИНН: 309 161 918	Газна х/р:23402000300100001010 Банк номи:М.Б. ББ ХККМ Тошкент шахри
ОКЭД: 46110	МФО:00014 ИНН:201122919

М.Ў. Ш.Шарипов (Имзо)

М.Ў. З Жутемелуктова (Имзо) (Ф.И.О.)

Ҳукуқшунос: _____ (Имзо) (Ф.И.О.)